

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 130 (6.655). Sotuvda erkin narxda



● **Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида** "Бозор иқтисодийёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўз ишینی бошлади.

● Андижонда Фаргона водийсида биринчи марта мия ўсмасини олиб ташлаш бўйича мураккаб операция ўтказилди.

● Хоразм вилояти Гурлан тумани «Амударё» ширкат хўжалиги аҳолиси бу йилги иситиш мавсуми арафасида ажойиб совға олди. Энди улар уйларида табиий газдан узлуксиз фойдалана олади.

● Мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги бир гуруҳ ўқитувчилар «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасига биноан Японияда малака ошириб қайтди.

● Нурота туманидаги Ф.Хўжаев номидаги ширкат хўжалигида республика қорақўлчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

● Республика ўқувчилар саройида 21 октябрь - «Давлат тили хақида»ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан 8 ш қаламқашларнинг аънавий «Нафосат» анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан ташкил этилди.

● Халқаро Бизнес марказида «World trade net» - Жаҳон савдо тармоғи интернет дастурининг тақдими топилиб ўтди. Уни БМТнинг Халқаро савдо маркази ва Жаҳон савдо ташкилоти ҳамкорликда тақдим этди.

● Вобант тумани Ином Наимов номидаги ширкат хўжалигининг Хажувон маҳалласида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Академас-боб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига Америка фукаралар тадқиқотлари ва ривожланиш жамғармасининг (CRDF) гранти асосида олинган технологик лазер жамғуаси топширилди.



Сирдарё вилоятидаги 3-насос станцияси Сирдарё ва Гулистон туманлари экин майдонларига сув чиқариб беради. Сиз суратда кўриб турган станция машинист-электриги Мустафо Ботиров дастгоҳларнинг техник жиҳатдан соз ишлари учун доимо хушёр туради.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ПАХТАМИЗ 2 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ

Хал қилувчи мавсум - йилнинг терим ишлари авж паллада. Пахта майдонларига аллақачон машиналар киритилган. Аввал хабар берганимиздек, бу йилги мавсумга 807 та пахта териш машиналари ажратилган бўлиб, жумладан 752 таси «Кейс» русумидаги замонавий машиналардир. -Машиналарнинг 90 фоизи Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари далаларига туширилган, - дейди «Ўзгормашсервис» уюшмаси раисининг муовини Саидхўжа Султонов. - Шубҳасизки, «Кейс» ҳосилини сифатли йиғиб олиши ва юқори унумдорлиги билан бошқа машиналардан ажралиб туради. Масалан, ХНП-1,8 вертикали машина бир иш кунида ўртача 3-5 гектардаги ҳосилни йиғиб олса, «Кейс»да бу кўрсаткични 7-10 гектаргача етказиш мумкин. Ёнигилини ҳам кам сарфлайди. Жорий йил пахта йиғим-теримида юртимизда мавжуд «Кейс-20» ва «Кейс-22» машиналаридан кенг фойдаланилаётир.

-Кези келганда айтиб ўтай, айрим жойларда пахта майдонлари арготехник талабга жавоб берайди. Бу, албатта, дефоляция яхши қилинмагандан дарак. Кимёвий моддалар ўз вақтида, белгиланган микдорда сепилсагина, гўза

барги ёппасига тўқилади. Бу кўсакларнинг тўлиқ очилишига имкон яратиш баробарида машиналарнинг текис ишлаши учун ҳам анчайин қулай. Шунингдек, далалардаги пахтанинг 90-95 фоизи очилгандан сўнг машиналар киритилиши мақсадга мувофиқ, - дейди биз билан суҳбатда С.Султонов.

Республикамиз пахтакорларининг фаолиятига назар ташласак, бугунги натижалари ёмон. Кўтама, қўлаётган «оқ олтин» хирмони кун сайин кўкка бўй чўзаяпти. Олинган тезкор маълумотга қараганда, сурхондарёлик миришкорлар илдамлик-

ни кўлга олганлар. Улар бир иш кунида 4593 тонна пахта ҳосилини йиғиб олиб, 278038 тонналик хирмонни хозирладилар. Бу билан вилоят йиллик шартномавий режасининг 80,59 фоизини удаладилар. Самарқандлик пахтакорлар эса бир иш кунида 4980 тонна «оқ олтин» ҳосилини йиғиб олишга эришадилар. Уолган хирмон 174938 тоннадан ошиб кетди. Бу вилоят режасининг 74,44 фоизи бажарилди, дегани. Андижонликлар эса мавсум бошлангандан бўён 228307 тонна ҳосилини йиғиб, режанинг 73,65 фоизини бажардилар. Шунингдек, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари пахтакорлари ҳам кўзланган мара сари жадал одимлаётдилар. Бухоролик миришкорлар шартномавий режанинг 69,06 фоизини бажарган бўлсалар, қашқадарёликлар бу кўрсаткични 67,06 фоизга етказдилар.

Республика бўйича қабул пунктларида бир иш кунида 79095 тонна ҳосил келиб тўшяпти. Хозирланган хирмон эса 2070569 тоннадан ошди. Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятлари пахтакорлари одимларини илдамлатишлари зарур. Фурсат фанимат. Акс ҳолда...

Саид РАҲМОҶОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Саид РАҲМОҶОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

«Мавсум» оқ олтин

«Мавсум» оқ олтин

«Мавсум» оқ олтин

ШАРТНОМА - ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

(Давоми, боши ўтган сонда) Маълумки, ҳар бир шартномада давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузилган контрактация шартномалари давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг нави ва миқдори кўрсатилиши шарт.

Айнан мазкур меъёр Низомнинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Кўп ҳолларда шартномавий режадагидан ортиқ ҳосилини талаб қилишлар, ҳатто баъзида, масалан, деҳқон ёки фермернинг ҳуқуқларини очик-ойдин бузиб, унинг ўзида қолиши лозим бўлган ҳосилни торлар ҳам учуради. Агар бундан бўён деҳқон-у фермерлар шартномада мазкур шартнинг албатта киритилишига эътиборини қаратсалар, уларнинг ҳуқуқларини бузишга ҳеч қим жўрбат қилонмайди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, юқорида тилга олинган шартнома шартларининг барчаси тузилажак шартномада акс этиши шарт. Бундай шартларнинг бирортаси шартномага киритилмас, шартноманинг ҳақиқий эканлиги шубҳа остида қолади.

Низомда шартномаларни тузиш тартибига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, хўжалик шартнома лойиҳаси тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни кўриб чиқиши ва эътирозлар бўлмаган тақдирда лойиҳани имзолаши ва тайёрловчига қайтариши шарт.

Хўш, агар хўжаликда шартнома лойиҳаси юзасидан эътирозлар бўлса-чи? Бу саволга ҳам Низомдан жавоб топиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ТАҲЛИЛ

Фаолиятини бошлагани олти миш йилдан ошайтган Самарқанд чой қадоклаш фабрикасида ўтган асрнинг охиригача қорига келиб йилга 30 миш тоннагача хушхўр ичимлик масаллиги қадоклашнинг эришилди. Бугун-чи? Келинг, яхшиси фабриканинг доврўкли йиллардаги

«НОВВОТ ҚЎШИБ ЧОЙ БЕРСАНГИЗ, ИЧАМИЗ»

иш салмоғи қандай бўлгану бугунги аҳоли қай даражада эканлиги ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Таққос учун рақамларни эътиборингизга ҳавола етказиб: жорий йилнинг биринчи ярмида 1105 тонна чой қадокланди.

Борди-ю, йилнинг якунланаётган иккинчи ярмида икки миш тонна маҳсулот қадокланганда ҳам микдор ўн қара қамайиб кетганлиги аён бўлади.

(Давоми 2-бетда)

ТЎХТА, У ЁҒИ «БОРСА КЕЛМАС...»

Фарзанд деганлари шунчалик ширинки, ҳатто баъзида ноҳўй иш қилаётганини кўриб турса-да, меҳри йиғиб кетганлигидан ота-онасиам мик этмай тураверади. Бунинг устига унга дашном беришни хаёлига ҳам келтирмайди: «Асалим, эркатойим...» дея суйишга киришиб кетади.

Нега шундай? Нима учун бўйи чўзилиб, эрта-индин уйлантиришга тайёр турган фарзандга бунчалик қайишадир? Турғи, ҳеч қим боласини ёмон кўрмайди. Аммо, фарзанд, ўзимиз опичлаб воёга еттиқча меҳр, мурув-ли оқибатларга қазган фарзандга орват кўрсатиш хатар-олиб келишини кўп ҳолларда унутиб қўймағимизми?

Айрим ёшлар ўғри бўлиб кетаётир. Енгил-елпи йўллар билан кун кечириб пайга тушиб қолаётир. Жонини қийнаб зарилми, дея осон пул топишинг пайида бўлмоқда.

Бундай ҳолат Сурхондарёнинг Жарқўрган туманида ҳам кўп урчаяпти. Кўпчилик ота-оналар фарзанди нима иш билан шуғулланаётганини сурштириб ҳам ўтирмайди. Улгининг мўйлави сабза уриб, овози дўриллаб қолганлигидан хурсанд ҳолда юраверади.

Рустам Маматқулов 1985 йилда туғилган, демак ҳали воёга етмаган. «Оқўргон» жамоа хўжалигида яшайди. 41-мактабнинг 11-синф ўқувчиси. Шу йилгича Маматқул Норалиева тегишли бўлган автоматшанини кўриб-ю, хаёлига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. Шу «Дамас»нинг магнетфонини ўғирлаб олсам, бир даста пулга эғалик бўламан! Қандай зўр! Шунча пулга Жарқўргонга бориб бир ҳафта машаат қиламан!

У йўлда турган «Дамас» машинаси эшигининг қулфини бузишга киришди. Ўз машинаси каби бамайлихотир, ҳеч иккиланмай эшигини очди.

(Давоми 2-бетда)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, кўмита, компания, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди. Мажлисида Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 февраль ва 18 июлдаги мажлисларидаги маърузаларида белгиланган вазифаларининг бажарилиши, ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунларига оид масалалар кўриб чиқилди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда ислохотларни изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимиз иқтисодий-тининг молия ва реал секторларида макро-иқтисодий барқарорлик таъминланди. Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартриш ва молиявий соғломлаштиришга, аграр секторда бозор муносабатлари ва инфратузилмани кенгайтиришга, капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга эришилди. Бу даврда жорий операциялар бўйича конвертацияга ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро валюта фонди Битим Моддаларининг VIII моддаси юзасидан шу йилнинг 15 октябрдан бошлаб мажбуриятлар қабул қилинишига эришилди.

Инфляция даражаси ўтган йилнинг шу давридаги 17,4 фоиздан -0,3 фоизгача пасайтирилди. Бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 515 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу эса мамлакатимиз олтун-валюта захирасини янада кўпайтирди. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо товар айланмаси, пули хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 104 фоизга ўсди.

Бу даврда хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва корпоратив бошқарув услубини жорий қилиш давом эттирилди. 1 миш 29 корхона хусусийлаштирилди, 496 корхонанинг акциялар пакетлари, давлатга қарашли қарийб олти ярим миш объект сотилди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартриш ва молиявий соғломлаштириш давом эттирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самараси ўларок дон етиштириш ва ҳосилдорлик анча ошди. Капитал қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муайян самара бермоқда. Институционал қайта ўзгартришлар натижасида «Ўзбеки» компанияси, «Ўзларандасаноат» уюшмаси, «Ўзғетмаҳсулот» компаниясининг минтақавий бошқарушлари, «Бошқоммунгаз» корхонаси ва унинг «Ўзгетмаҳсулот» шўба корхонаси тугатилди.

Қабул қилинган ижтимоий дастурлар, жумладан, «Обод маҳалла йили» дастури изчил амалга оширилмоқда. Уш хақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар микдорининг оширилиши аҳоли пул даромадининг ўсиши, турмуш даражасининг янада яхшиланишига асос бўлди.

Афсуски, эришилган ютуқларга баъзи камчиликлар ҳамон соя солиб турибди. Иқтисодий ислохотларнинг айрим устувор йўналишлари ҳамда уларни чуқурлаштириш вазифалари етарли даражада бажарилмади. Давлат-

га қарашли паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва сотишнинг ўзагарувчан тизими суст жорий этилди. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар тизimini ислох қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шартлолрларни яратиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар тўла таъминланмади. Капитал қурилиш соҳасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Истеъмол бозорини товлар билан тўлдириб чора-тадбирларини ҳам талаб даражасида, деб бўлмади.

Мажлисида иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Айрим тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан аҳоли яшаш пунктларини, уй-жой фондини, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини ва ижтимоий соҳа муассасаларини 2003-2004 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш тадбирлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмагани қайд этилди. «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси томонидан кўмир казиб олишнинг белгиланган ҳажми удалланмади. Оқибатда истеъмолчиларга кўмир етказиб бериш бюджет соҳасида 62 фоизни, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бўйича 70 фоизни ташкил этди. Газ қувурларини мукамал таъмирлаш ишлари топириққа нисбатан 85 фоиз бажарилган. Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва Тошкент вилоятларида иссиқлик тармоқларини ва қозонхоналарни таъмирлаш тугалланмаган.

Тегишли вазирлик, компания, агентлик, уюшма раҳбарлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларига зарур топшириқлар берилди. Куз-қиш мавсумига тайёрларлини шу йилнинг 1 ноябргача тугаллаш белгиланди.

Йилгилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, молия вазيري М.Нурмуродов, халқ таълими вазيري Р.Жўраев, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси раиси М.Аскарлов, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси раиси И.Нажмиддинов, «Ўзбекенгисаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов, «Ўзқоммуниязмат» агентлиги бош директори Ў.Холмухамедов, Қашқадарё, Фаргона ҳамда Наманган вилоятлари ҳокимлари Н.Зайниев, А.Оттабоев, Т.Жабборов ва бошқаларнинг ахбороти тинланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов иштирок этди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНДИСТОН КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Ж.Раупов). Ўзбекистон Тошкент шаҳридаги «SAVERS-IMPEX» компанияси билан Бразилияда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг ривожлантириш кенгаши ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчхонаси кўмағида ташкил этган «SAVERS MINITECH International ExpoTashkent 2003» кўرғазма-савдоси бўлиб ўтди.

Унда Ҳиндистоннинг тўқмачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, матбаа ва қадоклаш буюмлари саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи 35 та йирик компанияси иштирок этди. Кўрғазма қатнашчиларига

хизматлари кўрсатишни ташкил этди.

Кўрғазма-савдонинг муваффақиятини шундан ҳам кўриш мумкинки, қисқа муддатда ўтказилишига қарамай унда республиканинг барча ҳудудларидан турли ташкилотларнинг 2000 дан ортиқ вакили ташриф буюрди. Кўрғазмага қўйилган барча ускуналар сотилди. Ҳиндистон компанияларининг умумий қиймати 800 миш АҚШ долларига тенг 300 турдаги ускуна ва технологияларини сотиб олиш хақида аналлашув баённомалари имзоланди.

ИНСОН ЎЗИНГ

Айтишларича, ўтган асрнинг ўнинчи-ўн бешинчи йиллари Нуротада қаттиқ очарчилик бошланган. Қаторасига тўрт-беш йил табиатнинг қурғоқ келиши оқибатида халқ жуда ноҳор аҳволда қолган. Ноҳақий ўлим яхлит-яхлит оналларнинг ёстигини қуритган.

Ушандай мусибатли кунларда эл дарди билан яшаган Мансурхон Эшон (Эшон Судири) бор мол-мулкни

ДЕВОР ШУВОҒИДАГИ ТАРИҚ

одамлар ҳаётини сақлашга қаратган экан. У киши ҳар кун икки-учта дошқозонларга мастава, ёрма, атала пишириб оқ-наҳор қолган одамларга бир қосадан улашиб, кўпала инсонларни очарчилик чагналидан сақлаб қолган.

Собиқ тузум ўзининг темир арқонлари билан ҳукмронлик қилган йиллари халқнинг пири қомили ҳам қатагон қилинган.

(Давоми 4-бетда)

«ҚУЁШЛИК ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ...»

Тилимизга давлат мақомининг берилгани (1989) унинг обрў-эътиборини, нуфузини оширди. Айниқса, мустақилликнинг қўлга киритилиши бу ҳодисага куч ва қудрат бағишлади. Худди шу ҳолат «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни (1995) юзага келтирди.

Бу Қонунга кўра тилимиз ҳаётининг барча жабҳаларида тўлақонли ҳақ ва ҳуқуқ билан ўзининг бор бўй-бастини кўрсатиб келмоқда. Қонун бандлари тўлалигича амалга ошмоқда. Бугун мазкур Қолиётга тўла тат-ча сивёсий-иқтисодий-иқтисодий шароитлар мав-жуд. Навоий ва Бобур, Мунис ва Оғажий, Нодира ва Увайсий, Муқимий ва Фуркат, Чўлпон ва Фитратлар сўзлаган тилда сўзлашнинг ўзи буюк ифтихор. Шунинг ўзидек қўнғилларга хузув беради.

Эндилдиқда илмининг истаган соҳасидаги китоблар, фаннинг барча жабҳасига оид тадқиқотлар одатдаги ҳолга айланган. Ваҳоланки, мустақилликдан олдин бу ажабланарли ёхуд мумкин бўлмаган ҳол эди.

Шуниси Фахрликки, тилимизнинг теран томирлари кўҳна асрлар қатрига бориб тақалади. Дунёга ўзини ўзбек деган ном билан танитган халқнинг қадим бобоқалонлари туркийлар эди. Ана ўша катта болалар ўз давридаёқ тил раванки, унинг куч-қудрати, нафосати, назокатини кўрсатиш учун барча имкониятларни ишлашган, топилган, ҳаётга жорий этишган. «Ардам баши - тил» деган мақолнинг мавжудлиги (маъноси: «Хар қандай хунар-фазилятнинг боши тилдир») фикримизнинг ёрқин далилидир.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ҚОРАҚАЛПОҚ КИССАХОНЛИГИ

ДИЛДА ДАРДИНГ БЎЛМАСА...

БЎЗАТОВНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

Республика акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи Абдурахмат Боймуродов билан суҳбатлашти ўтиришда. Хонага ўрта бўйли, истараси иссиқ бири киши кириб келди. Абдурахмат ака унга пешовэ чиқиб, ўтиришга жой кўрсатди.

нимиздаги бир неча йирик хўжаликлар, иқтисоди бақувват фермер хўжаликлари ушбу банкнинг мижозларидир. Уларнинг молиявий ҳолати яхшиланган, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб бораётган. Масалан, бу йил мен раҳбарлик қилаётган хўжаликка банк кўмағи билан 26 миллион сўмга 2 та "ТТЗ-80" русумли янги техникалар олиб берилди.

ишлар амалга оширилди. 2003 йил 1 сентябр ҳолатига кўра кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 3277,1 миллион сўми ташкил этган. Шундан 1016,1 миллион сўми бюджетдан ташқари фондлар кредит линиялари ҳисобидан, хусусан, 149,2 миллион сўми "Бизнес фонд" ҳисобидан, 845,0 миллион сўми бан-

берилди. Молиявий лизинг асосида Шахрисабз туманидаги Болта Фозилов, Амир Темури номили ширкат хўжаликлари "ТТЗ-80" русумли янги техникалар, Яқкабоғ "Кимётаминот" корхонаси, Қосон туманидаги Убайдулла Асадов, Т.Давлатов номили фермер хўжаликларига техника воситалари олиб берилди. Вазирилар Маҳкамасининг 2003

мер хўжалиғи Германиянинг "NAGEMA" HANBEISGESELLSCHAFT MBH фирмаси орқали арпани қайта ишлаш кичик завод сотиб олганди. Ушбу лойиҳага немисларнинг ҚФВ банк-кредит линияси орқали узок муддатли 517.355 немис маркази микдориде йиллик қўшимчаси 12 фоиз билан кредит расмийлаштирилган. "Киёт" фермер хўжалиғида ишга туширилган ушбу завод соатига бир тонна арпани қайта ишлаш имкониятига эга. Бу ерда 4370,5 тонна арпа қайта ишланади.

Президенти вазириларнинг қатор Фармонлари ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг сўнги йилларда қабул қилган қарорларида банк соҳаси ходимлари зиммасига тизимни ислоҳ қилиш, соғлом рақобатни йўлга қўйиш, пировард натижада иқтисодийни ривожлантиришга ҳисса қўйиш сингари вазифалар юклатилган, - дейди "Пахта Банк"нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи Абдурахмат Боймуродов. - Жамоамиз шу талаблардан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқда. Банкда ходимлар ишлаши ва мижозларга намунали хизмат кўрсатиши учун барча қулайликлар яратилган.

Вазирилар Маҳкамасининг "2003 йил пахта ҳосилини йиғштириб олишини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб "Пахта Банк"нинг ҳар бир бўлимида ишчи гуруҳлар ташкил қилинган. Улар асосан теримчиларга ҳақ тўлашни таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



ҚОДИРОВ ҚАСАМЁДИ

Яқшанба кун Чеченистон Республикасининг Президенти Аҳмад Қодиров Гудермес шаҳар маъмурияти биносиде ўз ваколатига киришиш олдидан қасамёди қабул қилди.

Икки ҳафта муқаддам президентлик сайловларида кўпчилик овоз билан маъзур лавозимига сайланган Аҳмад Қодировнинг инаугурация маросими қачон ва қаерда бўлиши қаттиқ сир тутилаётганди, дея хабар қилади "Новости" ахборот агентлиғи. Маросим чоғида Аҳмад Қодиров мамлакат раҳбари сифатида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида тўхталаркан, собиқ иттифоқ тарқаб кетганидан кейинги вақт ичиде Чеченистонда ҳарбий ёки коррупцион жиноятни содир этиб, жазодан қриб юрганлар, албатта, одил суд қўлига топширилади, дея таъкидлаган. "Бугунги зиндиқларга тўла замонада ҳар торт уйдан чиқарканман, кечкурун яна ўз обғим билан қайтиб киришимга ишонмайман. Аммо ана шу ишонч, эртанги кунга умид Чеченистон халқини асло тарк этмаслиғи керак", деган у яна ўз маърузасида.



ИЗЕТБЕГОВИЧ ВАФОТ ЭТДИ

Яқшанба кун Босния ва Герцеговина давлат радиоси мамлакатнинг собиқ президенти, "Демократик ҳаракат" партиясининг фахрий раиси Алиа Изетбеговичнинг узок давом этган хасталикдан сўнг 78 ёшда вафот этганлигини эълон қилди.

Бу ҳақда Сараево шифохонасининг доктори Измет Гавранкапетанович маълумот берган. Тарқатилган хабарларга қараганда, Алиа Изетбегович бундан бир неча ҳафта муқаддам ўз уйида ҳушидан йўқотиши натижасида йиқилиб тушади ва оқибатда тўртта қовурғаси ҳамда танасининг ёлка қисми синган ҳолатда шифохонага келтирилади. "Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг маълум қилишича, собиқ президент юрак хасталигидан қаттиқ азият чекарди. Айнан саломатлигининг ёмонлашуви тўғрисида бундан уч йил муқаддам катта сийсатдан кетганди.

БИРЛАШИШГА ДАЪВАТ

"Бутун дунё терроризмга қарши аёвсиз курашаётган АҚШни қўллаб-қувватлаши ва унинг атрофида бирлашиши зарур, зеро бин Лоденнинг сўнги аудиопленкаси террорлар тамомила янчиб ташланмас экан, инсоният бошига машум кунларни солаверилиши яна бир қарра эслатиб қўйди", дея мувожабат билан чиқди АҚШ Президенти Жорж Буш.

Унинг хавотиринга сабаб бўлаётган аудиопленкадаги овозлар шахсан бин Лоденнинг эканлиғи тасдиқланди. Биринчи рақамли террорчи "Ал-Жазира" телеканали орқали тарқатилган навабдаги мувожабатда бутун араб мамлакатларини яқудийлар ва АҚШга қарши курашини давом эттиришига чакирди. Шунингдек, у Ироқдаги терактни маъқуллаган ҳолда, тез кунлар ичиде яна шу каби бошқа қўллаб-қувватлаш террористик хуружлар амалга оширилиши таъкидлаган.

СУИКАСДНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

"The Sunday Times" газетасининг маълум қилишича, Скотленд-Ярд изкувурлари Россия Президенти Владимир Путинга қилиниши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган суикасдининг олдини олиб қолишди.

Хабарларга қараганда, маҳмама вакиллари 12 октябрь кун Лондонда рус миллатига мансуб икки кишини чечен жангариси, деган гумон билан қўлга олишди. Беш кун давом этган сўроқлар натижасида уларнинг бири Россия Федерал авфсизлик хизматининг захиредаги офицери эканлиғи маълум бўлди. Айнан шу офицер Владимир Путинни хоризк мамлакатларига қилган сафари чоғида улдирши хусусида топшириқ олган. Бирок, топшириқни қим ва қачон берган, бу саволга, ҳатто Шерлок Холмс юрдошларини ҳам аниқ жавоб топа олишмапти.

ҲАЛОКАТ ОҚИБАТИ

Яқшанба кун Лондон метрополитенда ҳалокат юз берди, дея хабар қилади "Sky News" телекомпанияси.

Соат эрталабки 10:12 да шимолй линиянинг Кэмден Таун станцияси томон ўртача тезликда яқинлашиб келаётган поезднинг туннел деворига урилиши натижасида охиригича учта вагон издан чиқиб кетган. Оқибатда, йўловчиларнинг беш нафари оғир жароҳатланган, 200 нафардан ошиғи эвакуация қилинган. Қурбонлар ҳақида эса ҳеч қандай маълумот йўқ.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ЖАЛАКУДУҚЛИК ПАХТАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Жалакудуқлик пахтакорлар вилоятда биринчи бўлиб, жорий йил пахта топшириш шартномавий режасини бажардилар. Мавжуд 7026 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ошириб пахта йиғиб олиниб, давлат омиборларига 19880 тонна "оқ олтин" топширилди.

Тайёрланган ҳосилининг 85 фоиздан кўпроғи биринчи навга қабул қилинди.

Туман хирмониға "Ғайрат", "Гулбахор", "Ҳақиқат", "Қўрқич", "Бештол", "Ёрқишлоқ", "Дўстлик", А.Темур номили, "Қатортол", "Ўзбекистон 5 йиллиғи", "Қўштена" ширкат хўжаликлари пахтакорлари ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшидилар. "Ёрқишлоқ" ширкат хўжалиғи миришкорлари ҳосилдорлиқни гектарига 36 центнерга етказишди.

Деҳқончилик маданиятини юксалтириш борасида ўзига ҳос илғор тажриба мактаби ярата олган жалакудуқлик пахтакорлар режани оши-

ҚАСКАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

КРЕДИТ ҲИСОБИДАН ЯНГИ ИШ ҲЎРИНЛАРИ

Ҳозирда туманимизда пахта йиғим-терими авж паллаға қирган. Ушбу жараёнда - терилаётган пахтага ўз вақтида ҳақ тўлашда ҳам банкнинг салмоқли ўрни бор.

Қишлоқ хўжалиғида ислохотларнинг асоси бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда тадбиркорларга банкларимиз таянч бўлапти. Бу борада акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Қашқадарё вилоят бошқармасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда.

Молия муассасасида иш тўғрисида шикоят қилинган тўғрисида амалдаги йилда "Пахта Банк" бошқармаси ва унга қарашли бўлимлар томонидан пул муомаласи аҳолини яхшилаш, эмиссия даражасини қисқартириш, кредит портфелини мустаҳкамлаш, ссудалар ва унинг фойз тўловлари бўйича бирмунча

длик жамғармаси ҳисобидан, 21,9 миллион сўм эса Деҳқон ва фермер хўжаликлари кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан берилган.

БАНК ТИЗИМИ

3780 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитларнинг нафи катта бўлапти. Қишлоқ хўжалиғига 2028,2 миллион, шу жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларига 722,2 миллион сўм кредит ажратилди. Берилган барча кредит маблағлари эвазига 5200 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.

Булардан ташқари банк кўмағи билан кичик ва ўрта бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкатларга қишлоқ хўжалиғи техникалари олиш учун қарз

йил 26 июлдаги "Олий ўқув юртыда танлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги 318-рақамли қарорига мувофиқ "Пахта Банк" вилоят бошқармаси бўйича 659 нафар талабага 116 миллион 700 миң сўмлик таълим кредити берилди.

Ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти бўйича қарийб 10 миң 282 нафар мижоз "Пахта Банк" ёрдами билан ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттирмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ҳисобида банк мижозлари сони янада ошиб бормоқда.

Этиборга молик яна бир жиҳат шундаки, маъзур молия муассасасида чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида ҳам яхши ишлар йўлга қўйилган. Масалан, банкнинг Китоё бўлими мижози "Киёт" фер-

"Махалла - фахрим менинг" жамғарилувчи, ютуқли омонати бўйича 2003 йил 18 октябрда Тошкент вилоят, Зангиота туман, Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган 2-ютуқлар тиражи РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/p, Ютуқ миқдори, Хуауа, Халқ банки филиали, Ҳисобварақа рақами. Lists 59 lottery results across various regions like Fergana, Kashkadarya, and Surkhondaryo.

"Орзу" қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2003 йил 18 октябрда Тошкент вилоят, Зангиота туман, Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган ютуқлар тиражи РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/p, Ютуқ миқдори, Хуауа, Халқ банки филиали, Ҳисобварақа рақами. Lists 25 lottery results across various regions like Namangan, Andijon, and Tashkent.

Хайъат Раиси - Ўзбекистон Республикаси "Махалла" Жамғармаси Раисининг 1-ўринбосари Н.АБДУЛЛАЕВ

Масъул котиб - Халқ банки Бошқаруви Банк филиаллари фаолиятини ва жамғарма ишларини ривожлантириш Департаменти директори К.МАДРАХИМОВ

Юртимизда кузатилаётган об-ҳаво ҳаммани бирдек қизиқтириши табиий. Чунки йиғим-терим ишлари, кичик мавсумга тайёргарлик ҳали тугалланганича йўқ-да...

Яқунлаётган мезон ойини сарҳисоб қиладиган бўлсак, табиат бизга одатдагидан илҳорак кунларни ҳаёда этди. Бирок, кеча омонда пайдо бўлган булут кўпчиликка кузнинг қуёшли кунлари ҳам ўткинчилигини яна бир бор эслатиб қўйди.

МЕЗОН - МЕҲМОН

-Шу кунларда мамлакатимизга Россиянинг жанубидан совуқ ва нисбатан нам ҳаво оқими кириб келиши кутилмоқда, - дейди гидрометеорология маркази бошлиғи Фотима Қосимова. - Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ёмғир ёғиши мумкин.

Марказ раҳбари таъкидлаганидек, ўлкаимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилапти. Демак, 21-25 октябр кунлари республикамизда кузатилаётган об-ҳаво маълумоти билан танишинг. Ушбу кунлари юртимиз ҳудудида об-ҳаво булутли бўлиши кутилмоқда. Шамол гарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Баъзи жойларда бу юрсаткич 15-20 м/с гача етиши мумкин. Кечаси 2-7 даража, кундузи 15-20 даража атрофида илқ бўлиши кутуляпти. Айрим жойларда эса ҳарорат 0-2 даражагача пасаяди.

Бу мутахассисларнинг башорати. Табиат эса ўзгарувчан. Баъзан ёмғирли, баъзан қуёшли. Хавотирга берилиб, ишни суйайтирмаган маъқул. Ана шундагина қўлдан келган мақсадга вақтида эришиш мумкин. Саид РАХМОНОВ тайёрлади.

ИКЛИМ

